

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
2018 йилдаги фаолияти тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

**2019 йил  
Тошкент шаҳри**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>		3
	<b>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифа ва функциялари ижроси</b>	
I.	Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг ташқи аудитини амалга ошириш	5
II.	Бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш ҳамда бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш	8
III.	Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини ташқи аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш	14
IV.	Солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий қилиш	18
V.	Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	20
VI.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар вақтида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш	21
VII.	Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.	28
	<b>Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган қўшимча топшириқ ва вазифалар ижроси</b>	
VIII.	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган алоҳида топшириқлари бўйича амалга оширилган ўрганишлар	30
IX.	<b>Хорижий тажрибани ўрганиш ва халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар</b>	31
X.	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати, маҳаллий депутатлик кенгашлари билан бирга амалга оширилган ишлар</b>	32
XI.	<b>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.</b>	35

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5147-сонли Фармони асосида амалга оширилди.

Шунингдек, 2018 йилда бевосита Ҳисоб палатаси фаолиятини кенгайтириш ва қўшимча вазифаларни белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли қарори ҳамда 2018 йил 30 октябрдаги “Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5565-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон ва қарор асосида Ҳисоб палатаси вазифа ва функциялари кенгайтирилиб, таркибида Олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича эришилган келишувлар ижросини назорат қилиш ва унга кўмаклашиш шўъбаси ҳамда Стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш шўъбалари ташкил этилди.

Ҳисоб палатаси фаолиятидаги ўзгаришларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ-486-сонли “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, 6 та қонун ҳужжатларининг 7 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”, “Нотариат тўғрисида”ги Қонунлари ва Бюджет кодексига Ҳисоб палатасининг мазкур соҳалардаги вазифа ва ваколатларига доир ўзгартиришлар киритилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 2 та қўшимча модда киритилиб, Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш оқибатлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликни қайд этиш борасидаги ваколатлари белгилаб берилди.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилди.

Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлари асосида ташкиллаштирилиб, Давлат бюджети шаклланиши ва даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва топшириқларининг, Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлашга қаратилди.

Ҳисоб палатаси томонидан 2018 йилда ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар, кўрилган чоралар ва амалий ёрдамлар натижасида:

жойларга чиққан ҳолда 234 514 та юридик шахс ва 1 676 285 нафар жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчилар фаолияти бевосита таҳлил қилинган ҳолда давлат бюджетига қўшимча **4 721,9 млрд. сўмлик** даромад манбалари аниқланди. 2018 йилда бюджетга режалаштирилган **9,1 трлн.сўм** қўшимча манба ҳудудлар бўйича **9,8 трлн.сўмга (107,1%)** таъминланди;

бюджет тизими бюджетлари шакллантирилиши ва харажат қисми ижро этилишини назорат қилиш тадбирлари давомида **1 196,8 млрд. сўмлик** ва **74,2 млн. долл.**лик ноқонуний ва самарасиз харажатлар, шунингдек бошқа услубий хато ва камчиликлар аниқланди. Аниқланган молиявий камчиликларнинг 101,5 млрд. сўмлик қисми бартараф этилиши таъминланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **3 151 та** ҳужжатларидаги **25 642 та** топшириқлар ижроси назоратга олиниб, **853 та** муаммоли масалалар бўйича **264,5 млрд. сўм, 52,1 млн. долл.** ва **3,6 млн. евролик** маблағлар жалб қилиниши ҳамда **68 та** тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди;

Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар бўйича **121,5 млрд. долл.** қийматдаги **3 148 та** келишув ва тадбирлар ижроси юзасидан назорат ўрнатилди, бевосита **14,0 млрд. долл.** қийматдаги **257 та** инвестиция келишувларини жадаллаштириш чоралари кўрилди;

умумий қиймати **79,1 млрд. долл.** бўлган жами **12 918 та** инвестиция лойиҳалари назоратга олинди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган таҳлил ва ўрганишлар (аудит) натижалари юзасидан жами **180 та**, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 138 та, Вазирлар Маҳкамасига 15 та, бошқа вазирлик ва идораларга 27 та маълумот ва таҳлилий материаллар киритилди.

Киритилган таҳлилий материаллар ва таклифлар асосида **30 дан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва баённомалар қабул қилинди.

Мазкур ҳисоботда Ҳисоб палатасига юклатилган асосий вазифалар ҳамда алоҳида топшириқлар ижроси, хорижий тажрибани ўрганиш юзасидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда улар натижаларининг эътиборга молик жиҳатлари ўз аксини топган.

**I. Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг ташқи аудитини амалга ошириш**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 167-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Мазкур ташқи аудит Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг Ғазначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоботларидаги маълумотларни тегишли бюджет ҳисоб рақамлари бўйича ҳақиқатдаги тушумлар ва харажатлар билан солиштириш орқали амалга оширилди.

Давлат бюджетининг 2017 йилги даромадлари прогноз кўрсаткичи 102,5 фоизга (49,68 трлн. сўм) бажарилган, харажат кўрсаткичи ижроси прогнозга нисбатан 100,5 фоизни (49,34 трлн. сўм) ташкил этиб, Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,14 фоиз (0,34 трлн. сўм) миқдорда профицит билан ижро этилишига эришилган.

Ташқи аудит ва баҳолаш натижалари Давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси таъминлангани, харажатлар Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ ҳолда акс эттирилгани билан биргаликда алоҳида ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Аудит давомида даромадлар ва харажатлар ижроси бўйича жами **4 308,5 млрд. сўмлик** услубий хато ва камчиликлар аниқланди.

Жумладан, давлат улушига эга бўлган 381 та корхоналардан дивидендларни ундириш бўйича зарурий чоралар кўрилмаган. Натижада давлат бюджетига **57,2 млрд. сўм** дивиденд, **1,1 млрд. сўм** пеня ҳисобланмасдан колган.

Молия ва ғазначилик органлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари томонидан ортиқча (нотўғри) тўланган тўловларни қайтариш бўйича ўрнатилган муддатларга риоя этилмаслиги натижасида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларида **1,7 млрд. сўм** ортиқча акс эттирилгани ва **8,4 млрд. сўм** тегишли даромад турларида акс эттирилмаганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли қарорида бюджет ташкилотларининг барча маблағларига нисбатан ғазначилик ижроси тартиби жорий этилиши белгиланган бўлсада, бюджет ташкилотларининг тижорат банкларида Ғазначилик билан қамраб олинмаган 701 та ҳисоб рақами мавжудлиги аниқланди ҳамда аудит жараёнида уларнинг 549 тасини ёпилиши ва **5,9 млрд. сўм** маблағларнинг ғазна ҳисобварақларга кирим қилиниши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республикаси йўл жамғармасининг даромад ва харажат кўрсаткичлари Ғазначилик ҳисобрақамига тушган ҳамда халқаро молия институтлари қарзлари ҳисобидан амалда молиялаштирилган маблағларга нисбатан **243,8 млрд. сўмга** ошириб кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Ушбу жамғарманинг ҳисоботида келиб тушган маблағларни даромад турлари бўйича нотўғри акс эттириш ҳамда амалга оширилган харажатларни мазмунига мос келмайдиган харажатлар қаторида кўрсатиш каби камчиликларга ҳам йўл қўйиш ҳолатлари аниқланди.

Бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни шакллантиришда электрон тизим мавжуд эмаслиги сабабли, ҳисоботда ҳақиқий иш ҳақи харажатлари 3 868,0 млрд. сўмга орттириб кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Аудит жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича ҳисоботларга тузатишлар киритилиши таъминланиб, Молия вазирлиги ва давлат мақсадли жамғармаларига тегишли кўрсатмалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити яқунларига кўра, Ҳисоб палатасининг хулосаси 2018 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси Ҳисоб палатаси томонидан кўриб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига хулоса киритилди.**

Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этилиб, **31 та** таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилди.

Хусусан, бюджет даромадларини шакллантириш ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича 22 та, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан амалга ошириладиган харажатлар бўйича 9 та таклифлар тақдим этилди.

Жумладан, 2019 йилги бюджет даромадлари прогнози белгиланишида **5,2 трлн. сўм** солиқ тушумларининг манбалари мавжуд эмаслиги, **60,0 млрд. сўм** солиқ ва **143,0 млрд. сўм** божхона тушумлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланди.

Масалан, 2019 йил 1 январдан солиқ қонунчилигига киритилиши белгиланган ўзгартиришларга кўра, йиллик товар айланмаси 1,0 млрд. сўмдан ортиқ бўлган кичик бизнес субъектлари умубелгиланган солиқ тўловларига ўтказилишини инobatга олиб, солиқ солишни соддалаштирилган тартибда қолиш учун 2018 йилда товар айланмаси ушбу миқдордан ошадиган кичик бизнес субъектлари 2019 йилдаги фаолиятини бир нечта хўжалик субъектига бўлган ҳолда амалга ошириши мумкинлиги ҳисобга олинмаганлиги натижасида, юридик шахсларнинг фойда солиғи **720,8 млрд. сўмга**, қўшилган қиймат солиғи **1 298,6 млрд. сўмга** оширилган миқдорда прогноз қилинган.

Бундан ташқари, йирик солиқ тўловчилар бўйича қўшилган қиймат солиғи тушмалари асосланган ҳисоб-китобларсиз 3 000,0 млрд. сўмга ортиқча киритилган.

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Ҳисоб палатаси томонидан бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўзда тутилмаган **3,0 трлн. сўм** маблағларни бюджет ҳисобидан қўшимча режалаштирилиши таъминланди.

Жумладан, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга имтиёзли кредит линиялари учун давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар миқдори 2 170,0 млрд. сўмдан **2 978,1 млрд. сўмга** оширилди.

Солиқ ислоҳоти натижасида Пенсия жамғармаси тушумларини камайиши ҳисобига аҳолини пенсия тўловларини тўлиқ қоплашга давлат бюджетидан субсидия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб 2 600,0 млрд. сўмдан **4 700,0 млрд. сўмга** (қўшимча 2 100,0 млрд. сўм) етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar–Kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, ушбу давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2019 йилда Давлат бюджетидан **200,0 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилди.

Лойиҳада кўрсатилган харажатлар структураси тармоқлар ва йўналишлар бўйича таҳлил қилиниб, Ҳисоб палатасининг таклифларига кўра 8 та ҳолатда **868,1 млрд. сўм** маблағлар тегишли тармоқлар бўйича қайта тақсимот қилинди.

Жумладан, давлат бошқаруви идораларининг **480,3 млрд. сўмлик** сақлаш харажатлари “Иқтисодиёт” соҳасига нотўғри киритилганлиги аниқланиб, тегишлиги бўйича “Давлат бошқарув органларини молиялаштириш” бўлимида ҳисобга олиниши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити ва баҳолаш ҳамда 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ҳисоб палатасининг хулосалари “Очиқ бюджет” ахборот портали ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)), Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши таъминланди.

## II. Бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш ҳамда бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджетига тушумларни тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилган.

Инспекция олдига бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаб, сафарбар этилишини таъминлаш, солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг холислиги ва асослилигини баҳолаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончилигини баҳолаш, даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш ҳамда молия ва солиқ органларига ҳар томонлама кўмаклашиш вазифалари юклатилган.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан 2018 йил давомида бевосита жойларга чиққан ҳолда **51** марта ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилди ҳамда амалий ёрдамлар ташкил этилди.

**1.** Давлат бюджети даромадларига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш ҳамда кўшимча захираларни сафарбар этиш бўйича тизимли назорат ўрнатилди ҳамда солиқ турлари, ҳудудлар кесимида кунлик мониторинг олиб борилди. Бюджетга кўшимча даромадларни жалб қилиш бўйича ҳар бир ҳудудга Ҳисоб палатасидан масъул ходимлар бириктирилди.

Республика бўйича 2018 йилда бюджетга **54 194 млрд. сўм** солиқ тушумлари жалб қилинди ва белгиланган **42 112 млрд. сўм** прогноз кўрсаткичлари **12 082 млрд. сўмга (30%)** орттириб бажарилди. Давлат бюджетига 2017 йилга нисбатан **16 450 млрд. сўм** кўп солиқ тушумлари жалб қилинди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноздан ошириб бажарган қисми ҳисобидан 2017 йил ва ундан олдинги даврларда ҳудудий ҳокимликлар ихтиёрида 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ қолмаган бўлса, 2018 йилда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қарийб **5,6 трлн.сўм** маблағлар қолдирилди.

Ҳисоб палатасида Давлат бюджети даромадларининг, жумладан солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражаси тизимли таҳлил қилиб келинди. Жумладан, 2018 йилда солиқ тушумларининг сезиларли даражада ўсиши энг аввало республика миқёсида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳисобига тўғри келади.

**2.** Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва кўшимча манбаларни аниқлаб, сафарбар қилиш бўйича 2018 йилда республиканинг барча ҳудудларида ўрганишлар ҳамда амалий ёрдамлар ўтказилиб, 100 тадан



ортиқ йўналишлар бўйича бюджетга даромад манбаларини аниқлаб, жалб қилиш бўйича чоралар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнь куни ўтказган мажлисида бюджетга қўшимча даромадларни сафарбар қилиш бўйича қўшимча имконият ва резервларни жалб қилиш топшириғи берилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга асосан 2018 йилда бюджетга **4,4 трлн.сўм** қўшимча даромад жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланган бўлса, йил давомида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг, бу кўрсаткич **8,1 трлн.сўмга** ҳисоб-китоб қилиниб, “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди.

Бунда, қўшимча даромадларни жалб қилиш юзасидан ҳар бир туман, шаҳарлар бўйича 35 та йўналишда, солиқ турлари кесимида ҳокимлик, иқтисодиёт комплекси идоралари ҳамда мажбурий ижро бюроси томонидан амалга ошириладиган вазифалари аниқ муддатлар белгиланган ҳолда тасдиқланди (*шунингдек, секторлар кесимида ҳам тақсимот амалга оширилди*).

Топшириққа асосан, ҳар бир ҳудудда (вилоят, туман) ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари бошчилигида 15 дан ортиқ давлат ташкилотлари ҳамда тижорат банклари раҳбарларидан иборат “штаб”лар ташкил этилди, “штаб”лар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун 7 та кичик гуруҳлар ташкил қилинди ва уларнинг асосий вазифалари йўналишлар кесмида аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2018 йил 12 сентябрь куни бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича ўтказган йиғилишида жойларда фойдаланилмаётган резервлар кўплиги қайд этилиб, 2018 йил якунига қадар республика бўйича бюджетга яна **1 трлн.сўм** резервларни топиб, қўшимча тушумларни **9,1 трлн.сўмга** етказиш топшириғи берилди.

Ушбу топшириқларга асосан, 2018 йилни муваффақиятли якунлаш ва 2019 йилга тайёргарлик кўриш мақсадида, Бош прокуратура билан биргаликда ҳудудларда ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш режа-графи тасдиқланди.

Тасдиқланган график асосида 2018 йилда республиканинг 11 та ҳудудига бориб ишчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатилди.

*Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Жиззах вилоятларига борилди.*

**Ўрганишлар давомида кўрсатилган услубий ва амалий ёрдам натижасида:**

- жойлардаги ишчи гуруҳлари таркибида **10 та йўналишда** соҳавий мобил гуруҳлар ташкиллаштирилиб, бюджетга қўшимча даромад захираларини аниқлашга сафарбар қилинди;

- Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа вазирликларнинг масъул ходимлари жойларга чиқиб, туманлардаги ишчи гуруҳлар билан бирга **кўчама-кўча юрган ҳолда қўшимча манбаларни аниқлаш ишлари бирма-бир кўрсатиб берилди;**

- солиқ тўловчиларга солиқ Концепцияси мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича **семинарлар**, ишчи гуруҳлари учун **ўқув машғулотлари** ўтказилди;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар **Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида** муҳокамалар ўтказилиб, келгусида бажарилиши

лозим бўлган вазифалар депутатлар билан биргаликда белгилаб олинди.

Бюджетга қўшимча даромадларни жалб этиш бўйича **36 маротаба** ўрганишлар ўтказилган бўлиб, уларда **1,9 млн. нафардан** ортиқ солиқ тўловчилар бўйича таҳлиллар амалга оширилди ва **4 721,9 млрд. сўмлик** қўшимча манбалар аниқланди. Масалан:

1) **Паспортлаштириш** соҳасидаги кичик ишчи гуруҳи билан ўрганиш давомида маҳаллама-маҳалла юриш орқали 14 мингтага яқин мол-мулк объектлари ўрганилди ва бюджетга **23 млрд. сўм** қўшимча манба аниқланди.

*Мисол учун, Фарғона вилоятидаги 375 мингта фуқароларга тегишли мол-мулкларнинг 67 мингтасининг кадастр қиймати солиқ органларида паст баҳоларда ҳисобга олиниши натижасида 4 млрд. сўм маҳаллий солиқлар кам ундирилган.*

Маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган 13 683 та объект ўрганилиб, рўйхатдан ўтмаган, ёлланма ишчилар рўйхатга олинмаган, назорат касса машинаси ёки тўлов терминали йўқ, ижара шартномаси тузмаган тадбиркорлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳисобига бюджетга **4,5 млрд. сўм** қўшимча манба аниқланди.

2) **Бозорлар ва савдо комплекслари** бўйича 11 та ҳудуддаги барча туман ва шаҳар бозорларида ўрганишлар ташкиллаштирилди.

*Ушбу бозорларда ўтказилган хронометраж тадбирларида кунлик тушумлар қарийб 2 баробарга қўпайди ва жами 5 507 та ҳолатда давлат рўйхатдан ўтмасдан, ижара шартномаси тузмасдан, ёлланма ишчиларни рўйхатга қўймасдан фаолият юритаётган фуқаролар аниқланиб, бюджетга жами 10 млрд. сўм қўшимча манбалар ҳисобланди.*

3) **Транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш соҳасида** Ўзбекистон автомобил транспорти агентлиги ва Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси билан ҳамкорликда рейд тадбирлари ўтказилиб, 9 109 та ҳолатда автотранспорт воситаларида давлат рўйхатидан ўтмасдан, тегишли лицензия олмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолатлари аниқланди ва бюджетга **3,8 млрд. сўм** қўшимча даромад ҳисобланди.

4) **Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш соҳасида** 4 та йўналишда алоҳида мобил гуруҳлари ташкил этилган ҳолда ўтказилган ўрганиш ва таҳлилларда бюджетга жами **656 млрд. сўм** қўшимча даромад манбалари аниқланди. Хусусан:

*- 2 027 та савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хронометраж тадбирлари ташкил этилди ва кунлик тушум қарийб 2,5 баробарга ошиши ҳисобига бюджетга 11 млрд. сўм қўшимча даромад манбалари аниқланди.*

*Масалан, Бухоро шаҳридаги “Меҳран” умумий овқатланиш шахобчаси 24 ноябрда (шанба) тушуми 600 минг сўмни ташкил қилган бўлса, хронометраж ўтказилган 1 декабрь кунини 9,2 млн.сўмни ташкил қилиб, тушум 15 баравар ошган.*

*Бундан ташқари, хронометраж ўтказилган деярли ҳар бир объектда 15 нафаргача норасмий ишлаётган ходимлар аниқланган.*

*- “Камерал назорат” мобил гуруҳи билан солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботлари ташқи манба маълумотлари асосида камерал назоратдан ўтказилиб, 382 мингта ҳолатда давлат бюджетига жами 567 млрд. сўм қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланди.*

Жойларда олиб борилган ўрганиш ва амалий ёрдамлар давомида аниқланган қўшимча даромад манбаларини бюджетга тўлиқ сафарбар этиш юзасидан “йўл харита”лари тасдиқланиб, ижроси назоратга олинди. Мазкур тадбирлар барча ҳудудларда доимий равишда давом эттирилмоқда.

Бюджетга тушумларни таъминлаш, қўшимча даромадларларни жалб қилиш бўйича тасдиқланган режа-топшириқлари ижросини сўзсиз бажариш борасида, Ҳисоб палатаси томонидан доимий равишда мониторинг олиб борилди ва ҳудудий ҳокимликларига таҳлилий маълумотлар асосида 62 та тақдимнома ва кўрсатма хатлар юборилди.

Бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, 2018 йилда бюджетга режалаштирилган **9,1 трлн.сўм** қўшимча манба ҳудудлар бўйича **9,8 трлн.сўмга (107,1%)** таъминланди.

**3.** Ҳисоб палатасининг ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлар базасидан фойдаланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 12 та давлат органлар ва ташкилотлар дастурий таъминот асосидаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимда фойдаланиш учун Ҳисоб палатасига рухсат берилди. *(Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат кадастри қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Автомобиль транспорти агентлиги, “Ўзбекэнерго”, АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Товар-хомашё биржаси, Валюта биржаси).*

Маълумотлар базаси мавжуд бўлмаган 33 та давлат органлари ва ташкилотлар томонидан Ҳисоб палатасининг сўровига мувофиқ маълумотларни тақдим этиб бориш, ўзларининг маълумотлар базасини яратиш ва ундан Ҳисоб палатасига реал вақт режимда фойдаланиш учун рухсат этилиши белгиланди.

Ҳисоб палатасининг солиқ ва бошқа органлар маълумотлар базасини таққослаш йўли билан солиқ солинадиган базани ва солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олинишини таҳлил қилиб боровчи дастурий комплексни яратиш ва босқичма-босқич жорий этиш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Натижада, ҳар бир ҳудуд (вилоят, туман, шаҳарлар) кесимида солиқ турлари кесимида тушумни кунлик назорат қилиб бориш имконияти яратилди. Шу асосда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш юзасидан масофадан таҳлиллар амалга оширилмоқда.

*Бундай таҳлилларни инсон омилисиз, автоматик амалга ошириш бўйича махсус дастурий таъминот яратиш ишлари олиб борилмоқда.*

2018 йил давомида солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган **8 та** давлат органларининг маълумотлар базасининг ишончилиги аудитдан ўтказилди.

Мазкур ўрганишларда соҳаларда замонавий ахборот технологияларини кенг тадбиқ этиш орқали давлат бюджетига бир йилда қарийб **1 438 млрд. сўм** қўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимида йилига ўртача

**381,7 млрд. сўм**, Давлат рақобат қўмитасида 52,8 млрд. сўм, Қурилиш вазирлигида 490 млрд. сўм, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида 70 млрд. сўм, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида 38,1 млрд. сўм, “Ўзстандарт” агентлигида 405,7 млрд. сўм бюджет тушумларини кўпайтириш имкониятлари аниқланди.

Шунингдек, Давлат ветеринария қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси дастурий таъминотлари ва маълумотлар базаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунийлаштириш имкониятлари баҳоланди.

Масалан, Қурилиш вазирлигининг қурилиш лойиҳалари ва амалга оширилган иш ҳажмлари бўйича маълумотлар базаси солиқ органлари билан доимий алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги натижасида, биргина Тошкент шаҳрида 2016-2018 йилларда 330 та корхона томонидан ҳақиқатда бажарилган 814 млрд. сўмлик иш ҳажмлари солиқ ҳисоботларида камайтириб кўрсатилган ва **87 млрд. сўм** солиқлар бюджетга жалб қилинмаган.

“Ўзстандарт” агентлигида пахта ёғини ишлаб чиқариш сертификатига эга корхоналар 2016-2018 йилларда 41 млрд. сўмлик хом-ашё импорт қилган бўлсада, улар тўғрисида маълумотлар солиқ органларига тақдим этиб борилмаганлиги натижасида **50 млрд. сўм** ҚҚС ҳисобга олинмасдан қолган.

Давлат ветеринария қўмитасида ветеринария, ветеринария-санитария экспертиза хулосалари реестрини маълумотлар базаси юритилмаганлиги, тизимда ахборот технологиялар жорий қилинмаганлиги аниқланган.

Биргина Янгийўл шаҳар “Деҳқон бозори” мисолида ўтказилган ўрганишда ветеринария-санитария экспертизаси хулосаси берилган сабзавот маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилаётган 123 та жисмоний шахсдан фақат 1 нафари, гўшт маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган 66 тадан 20 нафари, сут маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган 39 тадан 1 нафари, қуруқ мева ва тухум маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган 33 тадан 5 нафари тадбиркор сифатида давлат рўхатидан ўтганлиги, ёки **261 тадан 234 нафар (89%)** жисмоний шахслар давлат рўхатидан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди.

*Мазкур вазирлик ва идораларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда келгусида олдини олиш, тизимга ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида, давлат бюджетига қўшимча маблағларни жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва ижроси назоратга олинди.*

Ҳисоб палатаси томонидан мазкур йўналишдаги ишлар 2019 йилда ҳам тизимли давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1-чорагида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Автомобил йўллари давлат қўмиталарида солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базалари аудитдан ўтказилди.

**Юқоридагилардан ташқари**, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2018 йилнинг 20 декабрида ўтказилган йиғилишда берилган топшириққа асосан, солиқ тизимидаги ислохотларни сифатли амалга ошириш, солиқ тўловчиларга кўмаклашиш ва улар билан манзилли ишларни амалга ошириш бўйича **Қашқадарё ва Жиззах вилоятларига** масъул бўлган Ҳисоб палатаси томонидан Республика ишчи гуруҳи билан биргаликда жорий йил бошида ҳар ҳафтада камида икки кун жойларга чиққан ҳолда амалий ишлар олиб бориш йўлга қўйилди.

Бу борадаги ишларни ташкил қилиш мақсадида, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида ҳудудий ишчи гуруҳлар ва штаблар ташкил қилинган, ҳар бир туман ва шаҳарларга вилоят ташкилоти раҳбарлари масъул қилиб белгиланган.

Солиқ тўловчилар қайта хатловдан ўтказилиб, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектларига солиқ ходимлари бириктирилди.

Солиқ тизимидаги ўзгаришлар тўғрисида кўргазмали семинар йиғилишлари ўтказилди ва тадбиркорларга солиқ тизимидаги ўзгаришлар ҳар бир соҳа бўйича аниқ ҳисоб-китоб ва мисоллар асосида тушунтириб берилди.

Солиқ ислоҳотларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот қилиш мақсадида, телевидения, радио, ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларда чиқишлар қилинди.

Нарх-навони асосиз равишда ошиб кетишини олдини олиш бўйича кунлик мониторинг йўлга қўйилди ҳамда жорий йилнинг 1 апрелига қадар “24 соатлик” иш режимида иш олиб борилиши ташкиллаштирилди.

Солиқ ислоҳотларини вилоятда нарх-навога таъсир кўрсатиши ва уларни асосиз равишда ошиб кетишини олдини олиш бўйича 15 турдаги истеъмол товарлари бўйича кунлик мониторинг ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот йили давомида Тошкент шаҳри ҳудудидаги 12 та деҳқон бозорларида айрим турдаги истеъмол товарлари – гўшт, тухум, ўсимлик ёғи, ун ва шакар маҳсулотларининг сотиш нархлари устидан мониторинг олиб борилди.

Жумладан, 2018 йилнинг ўзида қўй гўшти **21,5** фоизга, мол гўшти **18,3** фоизга, товуқ гўшти **16,7** фоизга қимматлашган бўлса, тухум нархи йил давомида **4,5** фоизга ошганлиги кузатилди.

Бозорлардаги ўртача нархлар ва уларнинг ўзгариш тенденцияси тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кунлик асосда мунтазам киритиб борилди.

Ҳисоб палатаси томонидан бюджетга маблағлар тушумининг тўлиқлиги, уларни кўпайтириш захираларини аниқлаш борасида амалга оширилган ишлар якунидан келиб чиқиб, **2019 йил учун** аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори билан 2019 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, жорий йилда республика бюджетига **102,6 трлн.сўм** тушум таъминланишига қаратилади.

Ушбу даромадларнинг **75,5 трлн.сўми** солиқ тушумларига тўғри келади ва бу кўрсаткични бажариш учун 2018 йилга нисбатан **21,3 трлн.сўмга** ёки қарийб 40 фоизга кўп тушум жалб қилиниши талаб этилади.

Шу боис, даромадлар прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажариш мақсадида, барча имкониятларни сафарбар этиш, солиқ базасини кенгайтириш ва қўшимча манбаларни жалб қилиш ҳамда жойларда мавжуд ички имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш чоралари кўриб борилади.

Шунингдек, солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад захираларини аниқлаб, сафарбар этиш юзасидан жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ўтказиш ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатиш ишлари тизимли асосида давом эттирилади.

**III. Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш**

1. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига асосан, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясида ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида ўрганишлар ўтказилди.

Бунда асосий эътибор сиёсий партиялар ҳисобига молиявий ва бошқа маблағларнинг тўлиқ тушиши ва бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишига қаратилди.

Ўрганишлар натижаси бўйича Ҳисоб палатасининг хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш учун 2018 йил 13 мартда сиёсий партияларга юборилди.

Назорат тадбирлари жараёнида сиёсий партиялар томонидан йўл қўйилган айрим молиявий хато ва камчиликларни Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари асосида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, текшириш натижаларининг самарадорлигини ошириш ва сиёсий партиялар аппаратлари ходимларининг иқтисодий-илмий салоҳияти ҳамда малакасини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан билан ҳамкорликда барча вилоят, Тошкент шаҳар партия Кенгашлари раислари ва марказий аппарати ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

2. Давлат бюджетининг маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида қолдирилган қўшимча даромадлар ҳисобидан маблағларни сарфланиши юзасидан 4 та ҳудудда (Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Сергели туманлари) ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра **49,0 млрд. сўмлик** самарасиз сарфланган харажатлар, харид қилинган товар-моддий бойликлар камомади, қурилиш-таъмирлаш ишларига қўшиб ёзишлар ва бошқа камчиликлар аниқланди.

Қўшимча манбаларнинг камида 40 фоизини биринчи навбатда аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларига ажратилиши юзасидан ҳукумат топшириғи мавжуд бўлишига қарамасдан, ўрганилган ҳудудларнинг биронтасида ҳам ушбу йўналишга маблағ сарфланмаган.

Фарғона вилояти ҳокимининг фармойишларига асосан қўшимча манбалар ҳисобидан **17,7 млрд. сўм** Маънавият-тарғибот маркази (нодавлат нотижорат ташкилот)нинг банк ҳисоб рақами орқали нақд пул олиниб, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун сарфланганлиги кўрсатилган.

Ўрганиш натижасида ушбу нақд пул маблағлари мақсадсиз сарфланган ҳолда, ҳокимият биноларини таъмирлаш ва жиҳозлашга йўналтирилганлиги

аниқланди. Бунинг устига, нақд пул тўланган қурувчи ва пудратчиларнинг бажарган иш ҳажмлари солиқ ҳисоботларида кўрсатилмаганлиги сабабли вилоятда деярли **1 млрд. сўм** солиқ тушуми йўқотилган.

Қашқадарё вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан ҳақиқатдаги умумий нархи 287 млн.сўм бўлган жиҳозлар **560 млн.сўмга** (2 баробар қиммат) ва Нишон туманидаги тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳақиқатдаги умумий нархи 524 млн.сўм бўлган тиббий жиҳозлар **827 млн.сўмга** (1,5 баробар қиммат) харид қилинган. Шунингдек бирлашмада ушбу тиббий жиҳозларнинг 176 млн.сўмлик камомади аниқланган.

Аниқланган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш, келгусида йўл қўйилишини олдини олиш ҳамда қўшимча маблағлар сарфланишида шаффофликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрланиб, Президент Администрациясига батафсил маълумот киритилди. Шунингдек, барча ҳудудий ҳокимликларга бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан услубий тавсиялар юборилди.

**3.** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси бўйича ўтказилган ўрганишда, марказлашган тарзда харид қилиниб, пудратчиларга етказиб берилган **19,1 млрд. сўмлик** импорт битуми қиймати бажарилган йўл қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вақтида ушлаб қолинмаганлиги натижасида, ортиқча харажатга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Импорт битум маҳсулотини автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларига мақсадли ва оқилона сарфланганини ўрганиш, камчиликларни бартараф этиш ҳамда импорт битум учун тўланган маблағларни ҳар бир объект кесимида молиялаштириш сифатида ҳисобга олиниши чораларини кўриш тўғрисидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Жамғарма ҳисобидан марказлашган капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларнинг самарали фойдаланилиши Автомобиль йўллари давлат қўмитасида ўрганилганда, 2017-2018 йилларда жами **460,1 млрд. сўм** маблағ 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли қарор талабларига зид равишда, бевосита пудратчилар ҳисобрақамига ўтказилмасдан, вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаларининг махсус ҳисобрақамларига кўчириб берилганлиги аниқланди.

Вилоят автомобиль йўллари бош бошқармалари махсус ҳисобрақамларига ўтказилган маблағлардан “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунига риоя этилмасдан, товар ва хизматларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида тўловлар амалга оширилган.

**4.** Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан **115 та** ҳолатда **301,1 млн. сўм** маблағларни ортиқча ва ноқонуний тўлаб берилгани аниқланди.

Жумладан, 2016-2017 йилларда вафот этган пенсионерлар учун 52 та ҳолатда 165,8 млн. сўм, иш ҳақи ва меҳнат стажлари тўғрисидаги маълумотларни ошириб кўрсатиш ҳисобига 7 та ҳолатда 56,2 млн. сўм ортиқча ва ноқонуний тўловлар аниқланди.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сонли қарорига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ўрганилганда, 2017 йил ноябрь-2018 йил январь ойларида сотиб олинган дизель ёқилғиси бўйича фарқни қоплаш учун бюджетдан **3,8 млрд. сўм** ортиқча субсидиялар молиялаштирилганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш давомида ушбу камчилик бартараф этилиб, ортиқча тўланган маблағни 2018 йил кейинги ойлар учун берилиши лозим бўлган субсидия қийматидан камайтирилиши таъминланди.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 октябрдаги ПҚ-3322-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали ишлатилиши ўрганилганда, **7 ҳолатда 113,2 млрд. сўм** жамғарма маблағларидан қонун талабларига зид равишда ноқонуний сарфланиш ҳолатлари аниқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 5 мартдаги 366-сон қарори билан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, камчиликларга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди, Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича Ишчи орган таркиби, уларнинг вазифлар тақсимоли ишлаб чиқилди, тизимли назорат ташкил этилди ва ижроси назоратга олинди.

Ўрганиш материаллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилди.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йилнинг 30 октябрида ўтказилган йиғилиш баёнига асосан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ижтимоий соҳа объектларига ажратилган марказлашган капитал қўйилмаларнинг самарали фойдаланилиши юзасидан ўтказилган ўрганиш давомида қурилиш ишлари якунланган 4 та олий таълим муассасалари объектлари бўйича **1,9 млрд. сўмлик** қўшиб ёзиш, сифатсиз бажарилган ишлар ва бажарилган иш ҳажмини асосиз равишда ошириш каби камчиликлар аниқланди.

Хусусан, Гулистон давлат университетининг бош ўқув биносини реконструкция қилиш объекти бўйича 2016-2017 йилларда бажарилиб, тўлиқ молиялаштирилган ишлар, қонунчиликка зид равишда, 2018 йил сентябрь ойида қайта ҳисобланиши натижасида **1,6 млрд. сўмлик** ортиқча тўлов амалга оширилган. Ушбу ҳолат бўйича жойида тегишли чоралар кўрилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бартараф этилиши таъминланди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш бўйича 2016 йилда ажратилган 33,0 млрд. сўмдан 22,6 млрд. сўм (**68,5 фоиз**), 2017 йилдаги 62,2 млрд. сўмдан 23,9 млрд. сўм (**38,6 фоиз**) маблағлар ўзлаштирилиб, 2018 йилда режалаштирилган **58,9 млрд. сўм** маблағ умуман сарфланмаганлиги ҳамда тиббиёт муассасаларини жиҳозлар билан таъминлаш ишлари орқада қолиб келинаётганлиги қайд этилди.

Ўрганиш бўйича таҳлилий маълумотлар соҳаларга ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар билан бирга Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сонли “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан оқилона фойдаланилиши танқидий ўрганилди.



Ўрганиш давомида мелиорация лойиҳаларини танлаб олишда ерларни суғориш тизими ва ҳақиқий аҳволи тўлиқ ўрганилмаслиги оқибатида мелиорация тадбирларидан кутилган самарадорликка эришилмаганлиги маълум бўлди.

Республикада 2016 йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган 2 миллион гектар шўрланган ер майдонидан 2016-2017 йилларда 757,6 минг гектар ернинг ҳолатини яхшилаш тадбирларини бажаришга 705,0 млрд. сўм маблағ сарфланишига қарамасдан, амалда ушбу даврда шўрланган ер миқдори 68,9 минг гектарга қисқарган ёки самарадорлик ўртача 9,1 фоизни ташкил этган.

Қашқадарё (78,2 млрд. сўм), Навоий (20,3 млрд. сўм), Наманган (23,8 млрд. сўм) ва Самарқанд (32,0 млрд. сўм) вилоятларидаги мелиоратив тадбирлар учун **154,3 млрд. сўм** маблағ сарфланган бўлсада, ушбу ҳудудлардаги шўрланган ер майдони **6,6 минг гектарга ошган**.

Ўрганиш натижалари бўйича батафсил маълумот ва маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Бош прокуратурасига киритилган.

**9.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 70-моддаси ижроси бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Хусусан, махсус ахборот порталининг функционалини такомиллаштириш ва нарх шаклланишини масофавий мониторинг қилиш мақсадида Молия вазирлиги, Республика хом-ашё биржаси ва манфаатдор вазирлик, идоралар маълумот базаларини интеграциялашуви таъминланди.

Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда ҳар бир иштирокчи ва шартнома кесимида узлуксиз мониторинг олиб боришни таъминлаш бўйича тизимни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

**10.** Давлат бюджетини ижро этилиши, давлат маблағларини бюджет тизими бюджетларининг барча даражаларида сарфланиши устидан назоратнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди.

Хусусан, Давлат бюджети харажатлари сарфланиши устидан онлайн назорат ўрнатиш тизимини жорий этиш мақсадида ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи кесимида таҳлилий маълумотлар бўйича умумлаштирувчи модулларни Молия вазирлигининг ахборот тизимига киритилиши таъминланди.

Ахборот тизимидаги даврий ҳисоботларни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ акс эттирилишини такомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Электрон тарзда шакллантирилган ҳисоботларни таҳлил қилиш асосида молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши хавфи мавжуд бўлган ҳолатларни манзилли равишда аниқлаш ва уларни олдини олиш тизимини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**IV. Солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усуллари жорий қилиш**

1. Ҳисоб палатаси томонидан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига, бюджет, солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиш ҳолатлари ва унинг сабабларини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, иқтисодиётдаги рақобат муҳитига салбий таъсир қилувчи имтиёзларини бекор қилиш ёки ставкаларини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Жумладан, ер ва сув ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида, ресурс солиқлари ставкаларини индексация қилиш бўйича таклифлар солиқ концепциясида қабул қилиниб, солиқ ставкаси 20 фоиз миқдорда индексация қилинди.

Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан Пенсия жамғармасига ушлаб қолинган суғурта бадалини бекор қилингани сабабли, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига ходимлар кесимида тақдим этиш таклифи амалда жорий қилинди;

Шу билан бирга, Ҳисоб палатаси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар жорий қилинди:

жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловни тўлаш муддатлари ўзаро мувофиқлаштириш;

солиқ тўловчилар масъулиятини янада ошириш мақсадида, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар муддатида тўланмаган тақдирда, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаш;

ер қаъридан қазиб олинган тайёр маҳсулот бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки қазиб олинган тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланганда, солиқ базасини маҳсулот реализациясининг ўртача нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланиш ёки қазиб олинган тайёр маҳсулот учун солиқ солиш базаси ва солиқ ставкасини физик кўрсаткичларда белгилаш каби таклифлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

Юқоридаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорида ўз аксини топди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ташқи аудитини ўтказишда Бюджет ташкилотлари томонидан ходимларнинг меҳнат интизомини бузганлиги учун Меҳнат кодексига асосан қўлланилган жарималар суммаси бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш ҳолатлари аниқланиб, уни тегишли бюджет даромадига ўтказилиши бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берилди.

Мазкур кўрсатма асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 79-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорининг 5-бандига тегишлича ўзгартириш киритилди.

**3.** Бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида қолдирилган маблағларни харажат қилишда ҳудудларда аниқланган самарасиз ва мақсадсиз харажатлар олдини олиш юзасидан Президент Администрациясига таклиф киритилди.

Таклиф ўз ичига маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган қўшимча манбаларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича янги тартиб ишлаб чиқиш, бунда маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳажми йўналишлар кесимида нисбий улушлар бўйича лимитлар белгиланиши ва шу лимитлар доирасида сарфланишини назарда тутиш масалаларини олган.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 28 декабрь куни ўтказилган йиғилиш баёнига асосан мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда минерал ўғитларни биржа орқали сотиш бўйича бозор механизмини жорий этиш каби вазифаларни кўзда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаси кўриб чиқилиб, амалий таклифлар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Хусусан, ишлаб чиқарувчилар томонидан минерал ўғитларни фақат биржа савдолари орқали сотиш тартибини жорий этиш тамойиллари юзасидан таклифлар тайёрланиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сонли қарори қабул қилинди.

**V. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича вилоятлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш**

Давлат бюджетининг 2017 йилдаги жами даромадларининг 37,3 фоизи (18 536,3 млрд. сўм) маҳаллий бюджетларга, 62,7 фоизи (31 144,7 млрд. сўм) республика бюджетига ажратма қилинган.

Ўз навбатида маҳаллий бюджетларга ажратма қилинган тушумларнинг:

- 37,9 фоизи (7 024,4 млрд. сўм) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети даромадларига;

- 62,1 фоизи (11 511,9 млрд. сўм) туман (шаҳар) бюджетларига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш давомида даромад турларининг бюджет даражалари (республика, вилоят, туман ва шаҳар бюджетлари) ўртасида белгиланган ажратма меъёрлари асосида тақсимланиши ўрганилди.

Ўрганишлар давомида туман (шаҳар)лар бюджетларига ажратма қилиниши лозим бўлган 48 та даромад тури бўйича 5,6 млрд. сўмлик даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тақсимланганлиги ва аксинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ажратма қилиниши лозим бўлган 1,4 млрд. сўмлик маблағлар туман (шаҳар) бюджетларига тақсимланганлиги аниқланди.

Бюджетларга ажратма қилиниши лозим бўлган даромадлар нотўғри тақсимланиши натижасида туман (шаҳар)лар бюджетидан **4,2 млрд. сўмлик** маблағ юқори бюджетларга олиб қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида туман (шаҳар) лар бюджетига ажратма қилиниши лозим бўлган 4,7 млрд. сўм маблағ вилоят бюджетига кирим қилинган, аксинча вилоят бюджетига ажратма қилиниши лозим бўлган 1,1 млрд. сўм маблағ туман (шаҳар)лар бюджетларига ўтказилган ҳамда бунинг натижасида туман (шаҳар)лар бюджетларига ажратма қилиниши лозим бўлган **3,6 млрд. сўм** даромадлар вилоят бюджетига қолдирилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида **369,5 млн. сўм**, Навоий вилоятида **492,9 млн. сўм**, Андижон вилоятида **23,2 млн. сўм**, Тошкент вилоятида **16,7 млн. сўм**, Жиззах вилоятида **5,3 млн. сўм** даромадлар туман (шаҳар) бюджетларига тақсимланмасдан тегишли юқори бюджетларда қолдирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарори асосида 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш механизми жорий этилмоқда.

**VI. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар вақтида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросининг назорати бўйича:**

1. Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор, фармойиш ва баёнларидаги топшириқлар ижросини назорат қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли қарори асосида Ҳисоб палатаси томонидан яратилган “ijro.gov.uz” янада такомиллаштирилган ҳолда ягона идораларо ижро интизоми тизимига айлантирилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, **167 та** вазирлик, идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ходимлари ўқув семинар тренингларида ўқитилди.

Ягона идораларо ижро интизоми тизими (“ijro.gov.uz”) дастурига **259 та** вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқарув органлари ва қуйи тизим ташкилотлари уланиши таъминланди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигида бевосита Ҳисоб палатасининг иштирокида ижро тизими қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **3 151 та** ҳужжатлари ва улардаги **25 642 та** топшириқлар “ijro.gov.uz” тизимига киритилди ва ижрочилар билан “online” режимда алоқа ўрнатилиб, назорат ўрнатилди.

Жумладан, тизимга **772 та** Фармондаги **2 850 та**, **1 543 та** қарордаги **10 501 та**, **704 та** фармойишдаги **1 052 та** ва **132 та** баёндаги **11 239 та**, жами **25 642 та** топшириқлар киритилган ва муддати келган 16 324 та топшириқнинг (90%) ижроси таъминланган.

№	Ҳужжат тури	Ҳужжат сони	Топшириқ сони	Ижро муддати келган топшириқлар			
				Жами	Ижроси таъминланган	Ижроси таъминланмаган	Фоиз
1	Фармон	772	2 850	2 261	2 025	236	90%
2	Қарор	1 543	10 501	6 482	5 584	898	86%
3	Фармойиш	704	1052	881	833	48	95%
4	Баён	132	11 239	8 566	7 882	684	92%
	<b>Жами</b>	<b>3 151</b>	<b>25 642</b>	<b>18 190</b>	<b>16 324</b>	<b>1 866</b>	<b>90%</b>

Шундан, 2018 йил давомида **403 та** ҳужжат ва унда белгиланган **10 827 та** топшириқ тизимга киритилиб, ижроси назоратга олинди ва муддати келган **4 818 та** топшириқнинг (89%) ижроси таъминланди.

Электрон тизим орқали, **276 та** ташкилотлар томонидан киритилган **60 152 та** электрон ахборотлар базаси шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида соҳалар бўйича ўтказилган мажлис ва ташриф баёнлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, ижроси юзасидан Президент Администрацияга ва Вазирлар Маҳкамасига **45 та** таҳлилий маълумотлар киритилди. Шунингдек, айрим тармоқлар бўйича ижро ҳолати маълумотлари топшириқлар асосида ишчи тартибда тақдим этиб келинмоқда.

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида белгиланган топшириқлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди. 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрининг туманларига амалга оширилган Президент ташрифлари давомида белгиланган топшириқлар ижроси жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва таҳлилий маълумотлар асосида ахборот берилди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли қарорига асосан республикадаги **56 та** вилоят даражасидаги ва **800 та** туман (шаҳар) даражасидаги секторлар фаолияти бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Мисол учун, 2018 йилда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани ва Бухоро вилоятининг Жондор туманида Давлат раҳбари томонидан белгиланган топшириқлар ижроси жойига чиққан ҳолда комплекс ўрганилди ва топшириқлар ижросини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилди.

2018 йилнинг 24-28 ноябрь кунлари Жиззах вилоятининг Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Ш.Рашидов, Пахтакор, Ғаллаорол туманлари ва Жиззах шаҳри 4 та сектор раҳбарлари томонидан ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бажарилиши ва амалга оширилган ишлар комплекс ўрганилди.

Ўрганиш якунлари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарларининг 2018 йил якунига қадар Иш режаси тасдиқланди. Ҳар бир туман (шаҳар) раҳбарининг 2019 йилда амалга оширадиган устувор вазифалари белгиланиб, “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Шунингдек, ҳудудлардаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури объектларида қурилиш ишларининг бориши ва нархлар шаклланиши жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлислар баёни ижросини назорат қилиш борасида масъул вазирлик ва идоралар билан биргалиқда жойларга чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказилиб, **853 та** муаммоли масалалар бўйича **264,5 млрд. сўм, 52,1 млн. долл.** ва **3,6 млн. евролик** маблағлар жалб қилиниши таъминланган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, тижорат банк кредитлари ҳисобидан лойиҳаларни амалга оширишда **78,4 млрд. сўм, 52,1 млн. долл.** ва **3,6 млн. евро** миқдорида, бюджет ва марказлашган маблағлар ҳисобидан **185,1 млрд. сўм**, бошқа манбалар ҳисобидан **1,3 млрд. сўм** маблағлар ҳамда **68 та** тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратилиши таъминланди. Умумий қиймати **924,5 млрд. сўмлик 504 та** инвестиция лойиҳаси шакллантирилди.

Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида секторлар фаолиятини йўлга қўйиш, аҳолининг ижтимоий муаммолари билан ишлашда кўмаклашиш ҳамда Навоий вилоятидаги 5 та “Обод қишлоқ” дастурига киритилган тадбирлар давомида:

- **42 630 нафар** фуқаронинг муаммолари жойига чиққан ҳолда ўрганишда бартараф этилди, **19 800** фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, аҳолига **7 000 тн** кўмир ва **13 500 та** газ баллонлари етказилди;

- **3 587 та** нафар аҳолининг бандлик масаласи ҳал этилди ва **4097 та** кўчмас мулк кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди;

- **90,9 км** электр ва **27 км** газ тармоқлари, **80,6 км** ички йўллар ва **37,7 км** ичимлик суви ўтказилди, **44 та** янги трансформатор ўрнатилиши таъминланди.

**Олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 30 октябрда “Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5565-сонли Фармон қабул қилинди. Фармонга мувофиқ Ҳисоб палатасига:

- олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатларнинг тайёрлашда вазирлик ва идораларга кўмаклашиш, имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш;

- имзоланган ҳужжатлар ва лойиҳаларни тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишига кўмаклашган ҳолда мониторинг ва доимий назоратни амалга ошириш, ижро тўғрисидаги ахборотларнинг асосланганлигини бирламчи маълумотлар асосида ўрганиш;

- чет эллик ҳамкорлар ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан “телекўприк” ташкил этиш орқали ташрифлар доирасидаги ҳужжатлар ижросини мунтазам муҳокама қилиш, уларнинг соҳадаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш вазифалари юклатилди.

Мазкур вазифа ва қўшимча функциялар ижросини ташкил этиш мақсадида Ҳисоб палатасининг масъул ўринбосари лавозими ва Олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича эришилган келишувлар ижросини назорат қилиш ва унга кўмаклашиш ҳамда Стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш шўъбалари ташкил этилди.

2. Ўтган даврда (2017 йил бошидан) **16 та** давлатлар бўйича **43 та** олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **32 маротаба** хорижий давлатларга ташриф буюрилган бўлса, хорижий давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистонга **11 та** ташрифлар амалга оширилди.

Олий даражадаги ташрифлар яқунларига кўра жами **33 та** “Йўл харита”лари ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 15 таси Президент қарорлари, 2 таси Президент фармойишлари, 16 таси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва йиғилиш баёнлари билан тасдиқланган.

Қайд этиш лозимки, Ҳисоб палатаси таркибида янги тузилма ташкил этилгунга қадар, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган келишувлар ҳамда улар бўйича “Йўл харита”лари тадбирларининг ягона базаси шакллантирилмаган ҳамда уларнинг ижроси бўйича назорат ишлари турли вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилган.

Масалан, сиёсий, ижтимоий ва маданий-гуманитар келишувлар ижроси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан, инвестиция ва савдо битимлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан, хавфсизлик ва ҳарбий-мудофаа масалалари Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан юритиб келинган.

Ҳисоб палатаси олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар бўйича қабул қилинган “Йўл харита”ларида белгиланган чора-тадбирлар **хатловдан** ўтказилди ҳамда жами **119,4 млрд.долл.** қийматдаги **3 163 та** келишув ва тадбирларнинг маълумот базаси яратилди. Жумладан:

- **97,1 млрд.долл.**лик **690 та** инвестиция келишувлари;
- **19,6 млрд.долл.**лик **745 та** ташқи савдо битимлари;
- сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва бошқа йўналишларда **2,7 млрд.долл.**лик **1 728 та** келишув ва тадбирлар кўзда тутилган.

Олий даражадаги ташрифлар давомида **Россия, АҚШ, Хитой, Корея, Туркия, Франция, Германия** ва **Ҳиндистон** давлатлари билан иқтисодий муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Таҳлилларга кўра, ушбу давлатлар билан имзоланган инвестиция келишувлари ҳажми **79,8 млрд.долл.**ни ёки жами келишувларнинг 82 фоизини ташкил этади.

Имзоланган ташқи савдо битимларида экспорт келишувлари **670 та (13,1 млрд.долл.)**, импорт келишувлари эса **75 тани (6,5 млрд.долл.)** ташкил қилган. Бунда ташқи савдо битимлари бўйича асосий ҳамкорлар Россия, Хитой, АҚШ ва Туркия давлатлари (**улуши 83%**) ҳисобланади.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ҳамда бошқа йўналишларда эришилган 1 728 та келишув ва тадбирларнинг асосий қисми (**56%**) Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Биргина Тожикистон Республикаси билан 180 та келишувлар имзоланган.

**3.** Ҳисоб палатаси томонидан Хавфсизлик кенгаши аппарати билан биргаликда Россия, Хитой, Корея, Туркия, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Германия, Беларусь, Марказий Осиё ва бошқа давлатлар бўйича “Йўл харита”ларидаги **97,1 млрд.долл.**лик **690 та** инвестиция келишувлари ижроси тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Келишувларнинг асосий қисми (**40 фоизи**) **10 та** вазирлик, идора ва бирлашмалар, жумладан Ўзқурилишматериаллари (**43 та**), Ўзбекнефтгаз (**35 та**), Ўзтўқимачиликсаноат (**40 та**), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (**37 та**), Фармацевтика агентлиги (**28 та**), Ўзмиллийбанк (**25 та**), Ўзбекэнерго (**19 та**), Ўзбекизоқовқатхолдинг (**18 та**), Ўзкимёсаноат (**18 та**) ва Ўзчармсаноат (**16 та**) томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Қиймат жиҳатдан инвестиция келишувларининг асосий қисми Ўзбекнефтгаз (**24,3 млрд.долл.** ёки **25 %**) ва Ўзбекэнерго (**8,4 млрд.долл.** ёки **9 %**) ҳиссасига тўғри келиб, ушбу соҳаларга асосий эътибор қаратилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан умумий қиймати **5,4 млрд.долл.** бўлган **199 та лойиҳаларни** амалга ошириш белгиланган.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган келишувлар



ижросини назорат қилиш билан биргалиқда, уларни амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар ташкил қилинди.

Жумладан, Ҳисоб палатаси томонидан ижрочи вазирлик, идора ва корхоналар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида **62 та (9%)** келишувлар (**10,1 млрд.долл.**) бўйича “Йўл харита”ларида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилди (*Россия, (8 та - 5,8 млрд.долл.), АҚШ (12 та - 1,3 млрд.долл.), Хитой (12 та - 397 млн.долл.), Корея (11 та - 183 млн.долл.), Туркия (10 та - 397 млн.долл.)*).

“Йўл харита”ларида белгиланган тадбирлар тўлиқ бажарилган келишувлар бўйича **21 та** корхона (**102,8 млн.долл.**) ишга туширилди.

*Масалан: “Great Wall Ceramics” ҚК – санитар керамика ишлаб чиқариш (10,0 млн.долл.), “Бобур” МЧЖ – Андижон вилоятидаги текстиль мажмуаси (25,0 млн.долл.), “Sistem Plastic” МЧЖ ҚК – труба ва иситиш радиаторларини ишлаб чиқариш (15,0 млн.долл.), “Медекс текстиль” ҚК – Хоразм вилоятида текстиль фабрикаси (10,0 млн.долл.) ва бошқалар.*

Олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган **2 668,8 млн.долл.** қийматдаги **15 та** хорижий кредит линиялари ҳисобига инвестицион лойиҳалар бўйича молиялаштириш тўлиқ бошланган.

Шунингдек, Жаҳон банки иштирокидаги **1,2 млрд.долл.** қийматидаги **6 та** лойиҳалар бўйича техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари бошланди.

Бундан ташқари, **135 млн.долл.** қийматдаги **4 та** лойиҳа бўйича хорижий кредит линиялари (*Хитой давлат тараққиёт банки – 110 млн.долл. (3 та), Газпромбанк – 25 млн.долл.*) тўлиқ ўзлаштирилди.

Ҳисоб палатасига олий даражадаги ташрифлар ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилгандан кейинги даврда Германия, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликларига давлат ташрифлари амалга оширилди.

Мазкур ташрифлар олдидан вазирлик ва идораларнинг лойиҳа таклифлари таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилган “Йўл харита”лари лойиҳаларига иқтисодий асосланган ва қатъий келишувларга эришилган **14,5 млрд.долл.** қийматдаги **252 та** ҳужжатлар киритилди.

Натижада, ушбу давлатлар билан амалга оширилиши кўзда тутилган келишувлар бўйича режалаштирилган тадбирлар ўз вақтида бажарилиши таъминланмоқда.

Келишувлар ижросини жадаллаштириш мақсадида, Ҳисоб палатаси ва Ҳавфсизлик Кенгаши аппарати томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида мунтазам муҳокамалар йўлга қўйилди. Муҳокамаларда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, ҳудудларга чиққан ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, келишувларнинг Наманган, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги ижроси таҳлил қилиниб, ҳар бир ҳудуд мутасадди раҳбарлари, лойиҳа ташаббускорлари ва Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида “телекўприк”лар ташкил этилди.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида ҳужжатлар ижросини ўрганиш натижалари бўйича Давлат раҳбарига ўтган 5 ой мобайнида жами **38 та**, шундан 2018 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида **14 та** таҳлилий маълумотлар киритилди ва ижрочи вазирлик, идора, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий

давлат органлари ҳамда Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига тегишли топшириқлар берилди.

Ўрганишлар давомида умумий **14,0 млрд.долл.** қийматдаги **257 та** инвестиция келишувларини жадаллаштириш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан:

- умумий қиймати **2,3 млрд.долл.** бўлган **105 та** келишувлар бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши;

- **4,7 млрд.долл.**лик **5 та** йирик лойиҳалар бўйича бизнес-режа, техник-иқтисодий асос ва лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши;

- **421 млн.долл.**лик **13 та** лойиҳа бўйича ер майдонлари ажратилиши ва лойиҳа дислокацияси белгиланиши;

- **859 млн.долл.**лик **33 та** келишувлар бўйича хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ва маҳаллий ҳамкорларнинг чет элга ташрифлари ташкил этилиши;

- **4 та** лойиҳа бўйича **444 млн.долл.** кредит линиялари очилиши;

- **501 млн.долл.**лик **3 та** келишувлар бўйича хорижий ҳамкорларга банк, узлуксиз электр ва газ таъминоти кафолатлари тақдим этилиши таъминланди.

Тасдиқланган графикка асосан алоқадор вазирлик ва идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда республика ҳудудларида амалга оширилаётган (*давлат ва ҳудудий инвестиция дастурлари, олий даражадаги ва Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасида*) лойиҳалар ижроси **жойига чиққан ҳолда** ўрганилиб, уларни жадаллаштириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Наманган вилоятларида жами **8,4 млрд.долл.** қийматдаги 3 343 та лойиҳалар ўрганилиб, 142 та муаммоли масалалар ечими ишлаб чиқилди ва натижаси бўйича Давлат раҳбарига ҳисобот киритилди.

Ўрганишлар давомида 53 та лойиҳалар (31,6 млн.долл.) бўйича кредит ажратиш масаласида тегишли қарор ва хулосалар олинди, шундан 36 та лойиҳа бўйича 6,2 млн.долл. кредит ажратилди, 10 та лойиҳа (284,8 млн.долл.) бўйича ер майдонлари ажратилиши таъминланди, 10 та лойиҳа (3,1 млн.долл.) бўйича муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан муддат ва масъуллар белгиланган чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Ҳисоб палатаси томонидан Хавфсизлик Кенгаши аппарати, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари, ижрочи вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган тизимли ишларга қарамасдан, айрим келишувларни амалга оширишда узилишларга йўл қўйилган.

Мисол учун, Ўзбекизоқовқатхолдинг томонидан амалга оширилиши белгиланган **11 та**, Ўзтўқимачиликсаноат - **9 та**, Ўзқурилишматериаллари - **5 та**, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Туризм қўмитаси ва Фармацевтика агентлигида **4 тадан**, ҳудудлар кесимида эса Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида **9 тадан**, Самарқанд вилоятида **8 та**, Тошкент вилоятида **7 та** келишувлар ижросини таъминлашда қолақликлар мавжуд.

Ташриф давлатлари кесимида ушбу кўрсаткич **Туркия** (39 та), **Корея** (18 та), **Россия** (14 та), **Ҳиндистон** (10 та) ва **Хитой** (3 та) давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар яқунларига кўра тасдиқланган “Йўл харита”лари ижросини таҳлил қилиш ва амалий ёрдам бериш ишлари давом эттирилиб, объектив сабабларга кўра амалга ошмаётган лойиҳалар ўрнига истиқболли янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Давлат раҳбарига таклифлар киритиб борилмоқда.

**4.** Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги назоратини ташкил этиш борасида, инвестиция дастурларидаги 57,7 млрд.долл.лик 588 та, Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасидаги 21,4 млрд. долл.лик 12 330 та, умумий қиймати **79,1 млрд.долл.** бўлган **12 918 та** лойиҳалар рўйхати шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507 ва 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сонли қарорларига мувофиқ халқаро молия институтлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган **588 та** инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўлиқ ўрганилди.

Ўрганишда умумий қиймати **1,9 млн.долл.** бўлган **154 та** лойиҳалар ишга туширилганлиги ва **7 916 та** иш ўринлари яратилганлигига қарамай, **8,8 млрд.долл.** қийматдаги лойиҳалар бўйича жами **140 та** муаммолар мавжудлиги аниқланиб, уларнинг **42 таси** (**1 262,7 млн.долл.**) ўрганиш даврида бартараф этилди. Жумладан:

- **9 та** лойиҳа (**76 млн.долл.**) бўйича кредит ажратиш масаласида;
- **24 та** лойиҳа бўйича (**801,5 млн.долл.**) молиялаштириш масалаларида;
- **4 та** истиқболсиз лойиҳаларни (**209,2 млн.долл.**) қиймати ва миқдориغا тенг бўлган янги лойиҳаларга ўзгартиришда;
- **5 та** лойиҳалар бўйича техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқилишида ер майдонларини ажратиш, муҳандислик коммуникация тизимларига уланишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Қолган **98 та** муаммоларни ҳал этиш юзасидан муддат ва масъуллар белгиланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

**5.** Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган битимлар ва эришилган келишувларни ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши мониторинг ва назорат қилишнинг **янги механизми** жорий қилинди.

Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш мақсадида “**Ijro.gov.uz**” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида **иккита янги модуль** яратилиб, унда реал вақт режимида (on-line) мониторинг қилиб бориш ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда “**Ijro.gov.uz**” тизимида олий даражадаги ташрифлар яқунларига кўра тасдиқланган барча “Йўл харита”лари, уларда белгиланган ҳар бир келишув ва тадбирлар ҳамда инвестиция лойиҳалари электрон база сифатида шакллантирилиб, уларни белгиланган муддатларда масъул вазирлик ва идоралар томонидан бажарилишини назорат қилиш имконияти яратилди.

“**Ijro.gov.uz**” тизимига **202 та** вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда **56 та** Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик

ваколатхоналари уланди ва улар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Натижада, келишув ва битимлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг бажарилишида вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда дипломатик ваколатхоналарнинг масъулияти ошди, тезкор ахборот алмашиш, тизим орқали маълумотларни давлатлар, вазирлик ва идоралар кесимида жамлаш ва тезкор ҳисоботлар тайёрлаш имконияти яратилди.

Олий даражадаги ташрифлар яқунларига кўра тасдиқланган “Йўл харита”лари ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини таҳлил қилиш ишлари ва аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда.

**6.** Шу ўринда, Ҳисоб палатаси томонидан олий даражадаги ташрифлар бўйича келишувлар ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан тизимли таклиф ва кўрсатмалар бериб борилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

- олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган инвестиция келишувлари ижросига юзаки ёндашиш, ортиқча бюрократизм ва муддатларнинг бузилишига йўл қўйилганлик ҳолатларини танқидий таҳлил қилган ҳолда сусткашликка йўл қўйган вазирлик, идора ва корхоналар раҳбарларига нисбатан жиддий чоралар кўришлари;

Бунда, бошқа қарорлар асосида амалга ошириладиган тайёр инвестиция келишувларини ҳамда вақтинчалик характерга эга ҳужжатларни, **англашув меморандумлари**, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва шу каби ҳужжатлар асосида “Йўл харита”ларига киритилишига йўл қўймасликлари;

- тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Йўл харита”лари доирасида амалга ошмаётган инвестиция келишувларини бошқа лойиҳалар билан алмаштириш механизминини жорий қилишни таъминлашлари зарур.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий ҳамкорлар билан доимий ишчан алоқаларни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик тизимини қайта кўриб чиқишлари ва муаммоларни тезкор кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва ҳал этишга қаратилган янги тизим жорий қилинишини таъминлашлари зарур, бу эса олий даражадаги келишувларни ўз вақтида таъминланишига замин яратади.

Ҳисоб палатаси томонидан Хавфсизлик Кенгаши аппарати ва Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йилда амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар ва олий даражада имзоланган келишувлар ижроси устидан қатъий назорат тизими кучайтирилади.

## VII. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операциялар таҳлили борасида амалга оширилган ишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлисида берилган топшириққа асосан Марказий банк билан биргаликда 18 та тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун комиссиян мукофотлар миқдорларини ўрнатиш ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида экспорт билан шуғулланувчи корхоналардан нақд пул ечилганлиги учун **3 фоиз** миқдорида, экспортдан тушган хорижий валютани сотишда **1 фоиз**гача комиссиян мукофотлар ундирганлик ҳолатлари аниқланиб, тижорат банкларининг тарифлари қайта кўриб чиқилди ва банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш мақсадида **12** та банк хизматлари тарифларини қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан 2018 йилнинг январь-апрель, январь-май ойлари ва биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган импорт ҳажмини ўрганиш ишлари ўтказилиб, ташкилотлар томонидан асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган **22,9 млн. долл.**лик товарлар импорт қилингани аниқланди.

Шунингдек, саноатни модернизациялаш ҳамда хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтиришдаги қолоқликлар, самарасиз импорт ҳажмлари, асоссиз қўлланилган божхона имтиёзлари (1,5 млрд. сўм) каби ҳолатларни бартараф этиш, маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига товарлар импортини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрланиб, Президенти Администрациясига киритилди.

3. Республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги юзасидан 2018 йилнинг май ойида **6 та** (*Асака банк, Халқ банки, Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Агробанк ва Ипотека банк*), банк тизимида юзага келаётган тизимли муаммоларни ўрганиш юзасидан ноябрь ойида **7 та** (*Асака банк, Халқ банки, Қишлоқ қурилиш банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Турон банк, Алоқа банк, Ипотека банк*) йирик давлат иштирокидаги банклар мисолида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишларда:

- банк активлари сифатининг ёмонлашуви ва муаммоли активлар салмоғини ошиб бориши (*муаммоли активлар 3,6 баробар ортиб, 1 131 млрд. сўмга етган*);

- тижорат банкларининг устав капитали асосан давлат улуши ҳисобига оширилиб, хусусий сектор маблағлари деярли жалб қилинмаганлиги (*жами капитал ўсишининг асосий (80 фоиз) омили давлат улушининг кўпайиши*);

- аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш даражаси камайиб бораётганлиги (*жами 79 100 млрд. сўмлик кредит қўйилмаларининг 29 511 млрд. сўми ёки 37 фоизи депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилган. 2017 йил бошида ушбу кўрсаткич 63 фоизни ташкил қилиб, 26 бандга камайган*);

- ажратилган кредитларни сўндириш муддати билан жалб қилинган молиявий ресурсларни қайтариш муддатлари ўртасида номутаносибликлар каби муаммолар аниқланди.

Ўтказилган ўрганиш натижалари асосида банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш, ликвидлигини ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Аниқланган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида Тижорат банклари фаолиятидаги тизимли муаммолар ва уларни банк тизими молиявий барқарорлигига ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири тўғрисида 2018 йил 22 ноябрда ўтказилган йиғилишда кенг муҳокама қилинди ва киритилган таклифларни ўз ичига олган ҳолда мажлис баённомаси тасдиқланди. Мазкур баённома ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, таҳлилий маълумотлар даврий равишда киритиб келинмоқда.

**5.** Ташқи савдо шартномалари бўйича юзага келган муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳолати бўйича таҳлиллар ўтказилиб, 2018 йилнинг 30 июль ҳолатига **404,8 млн. долл.**ни ташкил этувчи муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби, қарздорликнинг ўсишига йўл қўйган тармоқ корхоналари тўғрисида маълумотлар тайёрланди.

Ташқи савдо шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликларни камайтириш борасидаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги қайд этилиб, тегишли таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сонли Фармони билан тасдиқланган Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомга мувофиқ 2018 йилда республика олтин-валюта захираларининг ҳолати устидан доимий назорат олиб борилди.

Расмий олтин-валюта захиралари 2018 йил бошига нисбатан **173,4 млн. долл.**га ёки **3,5 фоизга** камайиб, **26 394,1 млн. долл.**ни ташкил этди.

Захира таркибидаги монетар олтин ҳажми 18,6 тоннага, қиймати **606,7 млн. долл.**га кўпайган бўлсада, валюта шаклидаги захиралар миқдори **777,5 млн. долл.**га камайди.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2018 йил давомида иқтисодиётга инвестиция сифатида қўшимча маблағларни киритиши, яъни кредит портфелининг ошиши валюта захираларининг камайишига таъсир кўрсатди.

Республика олтин-валюта захиралари таркибида валюта маблағлари улуши **43,6 фоизни** (01.01.19 й.га) ташкил қилиб, ЎТТЖнинг (ФРРУ) чет эл банкларига жойлаштирилган депозитлари ҳисобланади.

Ҳисоб палатаси томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг шаклланиши юзасидан назорат ўрнатилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий соҳаларга ажратилган кредитлар муддати узайтирилганлиги сабабли 2019 йилда асосий қарзларнинг қайтиши 4 баробар камайиши, 2022-2024 йилларга келиб кредитларни қайтариш юки йилига 1,1 млрд. долл.дан ошиши таҳлил қилинди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредитлар муддатини узайтириш амалиётни қайта кўриб чиқиш, 2019 йилда **270,1 млн. долл.** асосий қарзни муддатини олдин қайтариш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда Давлат раҳбарининг розилиги билан ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси томонидан “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилишида иштирок этилмоқда. Мазкур қонуннинг дастлабки лойиҳаси кўриб чиқилиб, **15 дан** ортиқ таклифлар Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига тақдим этилди.

## VIII. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган алоҳида топшириқлари бўйича амалга оширилган ўрганишлар

Ҳисобот даврида Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган алоҳида топшириқлар, Фармон ва қарорларда белгиланган тадбирлар ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тармоқлар, ҳудудлар ҳамда вазирлик ва идораларда **50 дан** ортиқ йўналишда ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилди. Жумладан:

Базавий тармоқлар (электр, нефть, газ таъминоти, кимё ва кўмир саноати) бошқарув ва назорат тизими, биржа савдоларида нархлар шаклланиши, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, республикада дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомаласи каби соҳаларда танқидий ўрганиш ва таҳлиллар амалга оширилди.

Шунингдек, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари, Қашқадарё вилоятидаги сув хўжалиги ташкилотлари, Президент Администрациясининг Молия-хўжалик департаменти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт-санитария бирлашмаси ва уларнинг тизимидаги ташкилотлар фаолияти юзасидан умумий таҳлиллар ўтказилган бўлса,

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси, “Ўзагротехсаноатхолдинг”, “Ўзқурилиш-материаллари”, “Ўзшаробсаноат”, “Олмалиқ КМК”, “Ўзпахтасаноат” жамиятлари фаолиятининг маълум соҳалари бўйича назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Ўрганишлар давомида соҳалар фаолияти самарадорлиги, молиявий ресурсларнинг оқилона сарфланиши, мавжуд тизимли муаммолар ҳар тарафлама таҳлил қилинди, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш, тизимни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилиб, киритиб борилди.

Хусусан, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини ўрганишда қишлоқ хўжалиги техникаси парклари хатловдан ўтказилиб, мавжуд техниканинг **65,3 фоизи** жисмонан ва маънан эскирганлиги, маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги, таннархда импорт улуши 22,0 фоиздан 98,8 фоизгачани ташкил этиши, **95,0 млрд. сўмлик** ноқонуний ва самарасиз харажатларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

“Ўзқурилишматериаллари” АЖ томонидан замонавий қурилиш материалларига бўлган талабни аниқлаш вазифаси бажарилмаётганлиги, мавжуд 1 006 та қурилиш материаллари кон участкаларидан **583 тасидан (58 фоиз)** фойдаланилмаётганлиги ва бошқа ҳолатлар аниқланган ҳолда, тизимни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

“Ўзшаробсаноат” АЖ тизимидаги 44 та корхонанинг 29 тасида маънавий эскирган ускуналардан фойдаланилаётганлиги, **12,5 млрд. сўм** солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланмаганлиги, **9,0 млрд. сўм** мақсадсиз сарф-харажатлар амалга оширилганлиги ва бошқа қатор хато ва камчиликлар аниқланиб, ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сонли Фармонида ўз аксини топди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт – санитария бирлашмаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг молиявий – хўжалик фаолиятининг айрим масалалари ўрганилганда **20,3 млрд. сўм** миқдоридаги молиявий хато ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, бюджетдан **10,2 млрд. сўм** маблағар ортиқча режалаштирилиб, ортиқча киритилган 214,5 та штатларни сақлаш учун **2,2 млрд. сўм** сарфланган, иш ҳақи ва бошқа тўловларда **2,8 млрд. сўм** ортиқча харажатларга йўл қўйилган, бино-иншоотлар ва ер майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилган.

“Ўзпахтасаноат” АЖдаги назорат тадбирларида статистик ҳисоботларда ҳақиқатда тайёрланган пахта хом ашёсига **155,8 млрд. сўмлик 74,1 минг тонна кўшиб ёзилганлиги** аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги ПФ-5241-сонли Фармонига асосан водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини танқидий ўрганиш натижаларига кўра:

республикада ичимлик суви тармоқлари билан 20,9 млн. ёки 64,5 фоиз аҳоли қамраб олинган, шундан учдан икки қисми кунига 6 соатгача сув билан таъминланади;

мавжуд 119 та шаҳарларнинг 75 тасида яшовчи 9,6 млн. аҳолининг 40 фоизига канализация хизматлари кўрсатилади холос.

Тизимда кадрлар салоҳияти паст, мавжуд 22,5 минг штат бирлигидан 14,3 фоизи вакант, 40 фоиз ходимлар номутахассис.

Шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий таъминот, сув ҳисоби ва йўқотишлар, лаборатория жиҳозлари, машина ва ускуналар эскирганлиги, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишига баҳо берилди, 2 157 та ҳолатда **292,3 млрд. сўмлик** ҳамда **74,2 млн. долл.лик** камчилик ва самарасиз харажатлар мавжудлиги аниқланди.

Ўрганиш даврида, фойдаланишга топширилмаган **90,3 млрд. сўмлик 285 та** объектлар камчиликлар бартараф этилган ҳолда топширилиши таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига батафсил ахборот киритилди.

Топшириққа асосан Республика илмий-амалий травматология ва ортопедия ихтисослаштирилган тиббиёт маркази” ва “Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази”да амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини тезлаштириш чоралари кўрилди.

Жумладан, лойиҳа-сметада режалаштирилган маблағлар **31 фоизга (32,3 млрд. сўм)** иқтисод қилиниб, пудратчи (“Махсустрест-93” корхонаси) томонидан аввалги бажарилган ишлар ҳисоби ўрганилган ҳолда **1,9 млрд. сўмни** бюджетга қайтариш чоралари кўрилди.

Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида мазкур объектлар 2018 йил 20 ноябргача қуриб битказилиб, ўз вақтида топширилиши таъминланди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан республикада пахта хом ашёси ва бошоқли дон харид қилиш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши, қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат ишлари амалга оширилди.

Тошкент шаҳри туманларида қиш мавсуми тайёргарлик ишларини ташкил қилишда бевосита иштирок этилиб, ҳудудларда ўрганишлар ўтказилди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.



## IX. Хорижий тажрибани ўрганиш ва халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар

1. 2018 йилнинг 4-5 июль кунлари Қирғистон Республикаси Бишкек шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) аъзо-мамлакатлари олий аудит институти раҳбарларининг тўртинчи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси вакиллари ҳам қатнашиб, якуни бўйича ўзаро ҳамкорлик бўйича Низом ҳамда 2018-2019 йилларга мўлжалланган ўзаро тажриба алмашиш чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур тадбир натижалари бўйича соҳадаги шартномавий-ҳуқуқий базани ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини Осиё олий аудит институтлари ташкилотига аъзо бўлиши ва етакчи хорижий давлатлар олий аудит институтлари билан ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар режаси қабул қилинди ва амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳ тузилди.

Бу борада Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик каналлари орқали АҚШ, Корея, Туркия, Россия Федерацияси ва Тожикистон олий аудит органлари билан мулоқот ўрнатилди ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ўрганилмоқда.

2. 2018 йилнинг 3-6 сентябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Олий аудит институтлари (ECOSAI) халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро семинарда иштирок этилди. Семинар давомида давлат секторида аудит ўтказиш, соҳага инновацион технологияларни қўллаш бўйича халқаро тажриба ўрганилди.

Шу билан бирга Ҳисоб палатаси ходимлари томонидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, PEFA секретариати, Европа Иттифоқи комиссияси, Осиё тараққиёт банки, Давлат молиясини бошқариш бўйича ўзаро ўрганиш ва тажриба алмашиш ҳамжамияти (PEMPAL) ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган халқаро конференция ва семинарларда мунтазам иштирок этиб келинмоқда.


3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорига асосан 2018 йил 20 сентябрь-5 октябрь кунлари Европа Иттифоқи комиссияси ва Жаҳон банкининг давлат молиясини бошқаришни баҳолаш бирлашган Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик мезонлари (PEFA) миссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясининг бюджетни шакллантириш, ҳисоботлар тақдим этиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ жараёнлари баҳоланди ва 2018 йил якунига қадар PEFA баҳолаш ҳисоботлари тайёрланди.

Ўз навбатида баҳолаш мезонлари ташқи аудит соҳасини, яъни олий аудиторлик институти – Ҳисоб палатаси фаолиятини ҳам қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, тайёрланган якуний ҳисоботда 2012 йилги натижаларга нисбатан умумий баҳолаш кўрсаткичлари, хусусан ташқи аудит бўйича ижобий ўзгаришлар эришилганлиги акс эттирилган. Баҳолаш натижаларига кўра “Аудит ҳисоботларининг қонунчилик органига тақдим этилиши” мезони бўйича Ҳисоб палатасининг фаолияти юқори (“А”) баҳоланиб, PEFA услугиёти талабларига тўлиқ мос келган.

Ҳисоб палатаси фаолияти “Ташқи аудит қамрови ва стандартлари” мезони бўйича –“С”, “Ташқи аудит кўрсатмаларининг ижроси назорати” ва

“Олий аудиторлик институтининг мустақиллиги” мезонлари бўйича “В” кўрсаткичларга баҳоланди.



2017-2018 йиллар давомида PEFA услубиёти бўйича баҳоланган 38 давлат ичида Ўзбекистон Республикасининг ташқи аудит соҳаси бўйича баҳолаш кўрсаткичлари 6-ўринда қайд этилмоқда.



4. Халқаро тажриба ва PEFA услубиёти бўйича баҳолаш натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштириш ва халқаро мезонлар асосида рейтингини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Олий Мажлисга тақдим этилган.

Қонун қабул қилинганидан сўнг, Ҳисоб палатаси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қаратилган ва қуйидагиларни:

- Олий аудит институтлари халқаро ташкилотларига (INTOSAI, ASOSAI ва ECOSAI) аъзо бўлиш;

- Олий аудит институтлари халқаро стандартлари асосида миллий ташқи аудит стандартларини ишлаб чиқиш;

- масофавий ташқи аудитни жорий этиш истиқболларини ўрганиш, дастурий таъминотлар, маълумотлар базаси, электрон архив ва кутубхоналарни яратиш;

- аудитни амалга оширишда хавфни аниқлашга йўналтирилган режалаштириш механизмларини жорий этиш;

- Ҳисоб палатаси ходимлари малакасини оширишни кўзда тутувчи Ҳисоб палатасининг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Ҳисоб палатаси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш борасида Осиё Тараққиёт Банки ва Франция Тараққиёт Агентлиги билан музокаралар ўтказилмоқда. Улар томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган Иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури доирасида Ҳисоб палатаси салоҳиятини янада ошириш бўйича “Ташқи аудит соҳаси ва қамровини кенгайтириш” йўналишида техник ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Шу билан бирга Франция тараққиёт агентлиги Франция Ҳисоб палатаси (Cour des Comptes) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига икки томонлама ўзаро тажриба алмашиш бўйича алоқаларни ўрнатишга кўмаклашмоқда.

## **Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати, маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари билан бирга амалга оширилган ишлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли Фармони асосида Ҳисоб палатаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Халқ депутатлари билан биргаликда ҳудудларда кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Қарор билан халқ депутатларига берилган ваколатлар доирасида Республиканинг 11 та ҳудудида Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура билан биргаликда амалга оширилган ўрганиш ва кўрсатилган амалий ёрдамлар натижалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар депутатлар билан биргаликда белгилаб олинди.

Масалан, ҳар бир ўрганилган ҳудуд кесимида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервлари депутатлар иштирокида таҳлил қилиниб, ишчи гуруҳлар фаолияти танқидий кўриб чиқилди, қўшимча манбаларни жалб қилиш йўналишлари муҳокама қилинди ва сессия қарорлари қабул қилинди.

Ташкил этилган сессияларда ҳокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари ҳисоботлари тингланди.

Ҳудудларда депутатлар иштирокида ташкил этилган сессиялар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 4 та сектор раҳбарларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисоботлари маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари муҳокамаларига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида уйма-уй юрган ҳолда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ишлари ўтказилди.

## **XI. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақида” СҚ-307-III-сонли қарорида “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш топшириғи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 29-бандига асосан Ҳисоб палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу Қонун Ҳисоб палатаси фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Мазкур Қонун лойиҳасида қуйидаги асосий мақсадлар кўзланди:

Ҳисоб палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, унинг вазифаларини, ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда амалга ошириладиган қоидаларни мувофиқлаштириш;

ташқи аудит ва молиявий назоратнинг ошкоралигини янада ошириш, унинг мустақиллигини ва холислигини таъминлаш;

Ҳисоб палатаси билан давлат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа корхоналар ўртасида юзага келадиган ташкилий, маъмурий ва бошқа муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Ҳисоб палатаси томонидан ишлаб чиқилган Қонун лойиҳаси 7 та боб ва 41 та моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжат ёрдамида Ҳисоб палатасининг таркиби ва структураси, раиси ва раиси ўринбосарларини ваколатлари, моддий ва ижтимоий таъминоти, ҳуқуқий муҳофаза кафолатлари, мансабдор шахсларини дахлсизлиги ва иш билан таъминланиши белгилаб қўйилади.

Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудит ва молиявий назоратни амалга оширишда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, илк марта миллий қонунчиликда Ҳисоб палатасининг стандартлари ўрнатилади.

Мазкур Қонун лойиҳасида Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ваколат чегарлари белгиланди, мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида Ҳисоб палатаси мансабдор шахслари учун чекловлар ўрнатилди.

Шунингдек, Қонун лойиҳасида Ҳисоб палатаси томонидан ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлисга тақдим этиш мажбурияти белгиланди.

Давлат ва рус тилларида тайёрланган мазкур Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси тартибда 2019 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилди.

Шу ўринда, Ҳисоб палатасининг 2019 йилдаги фаолияти биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5147-сонли Фармони ижросига, шу жумладан:

1. Давлат бюджети параметрлари шакллантирилиши ва ижросини тизимли таҳлил қилишга, бюджет тизими бюджетларига маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилишга, ўрганиш натижасида солиқ ва бюджет қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлашга;

2. Бюджет тизими бюджети ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлашга;

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар вақтида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилишга;

4. Пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ўрганиб боришга;

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган алоҳида топшириқлар бўйича назорат ва таҳлилий тадбирлар ўтказишга;

6. Осиё ва ривожланган давлатлар олий аудит институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар (INTOSAI, ASOSAI ва ECOSAI) тажрибасини ўрганиш ва улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ҳисоб палатаси**